



2020 йил «24» Март

№ 634и

Боғот шаҳарчаси

Нусха № 1

«МУHAMMADJON BAXTIYOR O'G'LI TOMORQA XIZMATI» МЧЖга Боғот тумани “Олтинқум” шаҳарчаси ҳудудидан «Замонавий типдаги иссиқхона» қурилиши учун ер майдони ажратиб бериш тўғрисида

«МУHAMMADJON BAXTIYOR O'G'LI TOMORQA XIZMATI» МЧЖ раҳбари Б. Матяқубовнинг Боғот тумани “Олтинқум” шаҳарчаси ҳудудидан «Замонавий типдаги иссиқхона» қуриш учун ер майдони ажратиб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 02.03.2020 йилдаги ХО-М-647-сонли сўровномасини, туман ҳокимлиги ҳузуридаги корхона, муассаса, ташкилот ва фуқароларга кишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари танлаш (ажратиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг йиғилиш баёнини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тадбиркорлик субъектларига ажратилган ер участкаларида мева-сабзавот маҳсулотларини бевосита уларни етиштириш жойларида суғориш, тайёрлаш ва саклаш бўйича енгил конструкцияли инфратузилма объектларни қуриш учун ер участкаси ажратиш тартиби тўғрисида”ги 2019 йил 25 февралдаги 167-сонли қарорига, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6-моддасига асосланиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги корхона, муассаса, ташкилот ва фуқароларга кишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари танлаш (ажратиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. «МУHAMMADJON BAXTIYOR O'G'LI TOMORQA XIZMATI» МЧЖга Боғот тумани “Олтинқум” шаҳарчаси ҳудудидан Замонавий типда “Иссиқхона” қурилиши учун “Қораев Абдулла” фермер хўжалиги ер майдонидан, кишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган 1120 қисман- 1122 қисман- контурлар 49 балл бонитетли

умумий ер майдони 5,5 гектар, шундан 5,3 гектар экин ери, 0,2 гектар арик-зовур ва йўллардан иборат ер майдони вақтинча (10 йил) муддатга фойдаланиш учун ажратиб берилсин.

3. Туман ер ресурслари давлат кадастри бўлими (Р.Рахимов)га ер ҳисоботини тузиш даврида ушбу ўзгаришларни ҳисобга олиш вазифаси топширилсин.

4. Туман архитектура ва қурилиш бўлими (Ф.Қурбанов)га;

- “Замонавий типдаги иссиқхона” ташкил қилиш учун ажратиб берилган 5,5 гектар ер майдонини батафсил режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқсин.

5. Ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи (Р.Рахимов)га, ер участкасида объект қурилишини назорат қилишни туман қурилиш бўлими бошлиғи (А.Қурязов)га, белгиланган тартибда ер солиғига боғлиқ ҳисоботларни ўзгартириш, солиқларнинг ўз вақтида тўланишини назорат қилишни туман давлат солиқ инспекцияси (Х.Жуманиёзов)га топширилсин.

6. Туман архитектура ва қурилиш бўлими (Ф.Қурбанов), туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи (Р.Рахимов) ва “Олтинкум” шаҳарча фуқаролар йиғини раиси (Б.Авезов)га вақтинча (10 йил) муддатга ажратилган ер майдонини жойида далолатнома асосида белгилаб бериш вазифаси топширилсин.

7. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 36-моддасининг 6, 10-бандларига асосан (10 йил) муддатга ажратилган ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланилганда ҳамда ер участкасидан 1 (бир) йил мобайнида фойдаланилмаганда ундан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилсин.

8. «МУHAMMADJON BAXTIYOR O'G'LI TOMORQA XIZMATI» МЧЖ раҳбари Б. Матякубовга:

Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ер участкасини давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси топширилсин.

9. Ушбу қарорнинг тасдиғи Халқ депутатлари туман Кенгашининг навбатдаги сессиясига киритилсин.

10. Ушбу қарорнинг тасдиғи Хоразм вилояти ҳокимидан сўралсин.

11. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари С.Қурбанов ва туман ҳокимининг ўринбосари А.Қурязовлар зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими

О.Холбоев